

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ ЯШНАРЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ, АГРОРЕСУРСЛАР  
ВА АГРОХИЗМАТЛАР БОЗОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Алиев Яшнаржон Эгамбердиевич**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар  
бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини  
такомиллаштириш ..... 3

**Алиев Яшнаржон Эгамбердиевич**

Совершенствование научно-практических основ развития рынков  
сельскохозяйственной продукции, агроресурсов и агросервиса..... 37

**Алиев Яшнаржон Эгамбердиевич**

Perfection of scientific and practical bases to enhance markets of  
agricultural products, resources and services..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 76

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ ЯШНАРЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ, АГРОРЕСУРСЛАР  
ВА АГРОХИЗМАТЛАР БОЗОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.1DSc/Iqt12 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Хушматов Норкул Садуллаевич**  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муртазаев Олим**  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**Маматкулов Абдурашид Вахидович**  
иқтисод фанлари доктори, доцент

**Умаров Сухроб Рустамович**  
иқтисод фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.1.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ў.П. Умурзаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Ф. Султанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., катта илмий ходим

**Қ.А. Чариев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аграр бозорида юзага келаётган вазиятлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг экспортини ўсиш суръатлари табиий-иқлим афзалликларига эга бўлган мамлакатларда кузатилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётганини таъкидлашмоқда. Мутахассислар-нинг таъкидлашича, "...ҳозирги кунда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб бормоқда. Айниқса хўл ва куруқ мевалар, сабзавотлар, консерваланган маҳсулотлар, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, ун ва ун маҳсулотлари, чой, кофе, цитрус мевалар, сут ва гўшт маҳсулотлари бозорларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бунда у ёки бу товарга бўлган талаб ва сотувлар ҳажмига унинг ташқи кўриниши, ранги, ҳажми, чиройли қадоқланиши, ишлаб чиқарувчи корхонанинг репутацияси, сотувчининг хатти-ҳаракати ва товарни тақлиф эта олиш қобилияти, реклама ва бошқа омиллар кучли таъсир кўрсатади"<sup>1</sup>.

Бугунги кунда сайёрамизда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши, об-ҳаво шароитларини ноқулай келиши, турли зараркунандаларни кўпайиши ва бошқа табиий омиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ўз таъсирини кўрсатмоқда. ФАО ҳисоб-китобларига кўра, ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун 2050 йилга бориб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини 60 фоизга ошириш зурур<sup>2</sup>. Бу эса мавжуд ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг глобал иқлим ўзгаришини салбий оқибатларига мослашиб борувчи ишлаб чиқариш тизимларини шакллантиришни талаб этади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш, интенсив боғлар ташкил этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этиш, олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, тўпланган тажрибалар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади. Шу боис, "таркибий

<sup>1</sup> Киселева Е.Н., Власова О.В., Коннова Е.Б. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие. [http://www.plam.ru/ucebник/rynok\\_prodoovolstvennyh\\_tovarov/p2.php](http://www.plam.ru/ucebник/rynok_prodoovolstvennyh_tovarov/p2.php).

<sup>2</sup> <http://www.fao.org/zhc/detail-events/ru/c/413837/>.

ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>3</sup> устувор вазифа этиб белгиланди. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш тизимда мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги (2018) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сон “Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**

Жаҳон қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва сотиш, ресурслар харид қилиш тизимида шартнома муносабатларини жорий қилиш, маҳсулотлар етиштирувчилар ўртасида соғлом иқтисодий рақобатни ривожлантириш муаммолари ҳозирда жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан Wageningen University (Голландия), Cornell University Press (АҚШ), AgroParisTech (Франция), Swedish University of Agricultural Sciences (Швеция), The Australian National

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

University (Австралия), University of British Columbia (Канада), The University of Tokyo (Япония), China Agricultural University (Хитой), University of Hohenheim (Германия), Foreign trade regulation-United States, International Water Management Institute (IWMI), United Nations Food and Agriculture Organization (FAO), CGIAR, Global Forum on Agricultural Research (GFAR), International Agriculture Center (Netherlands) каби бир қатор университет ва илмий марказларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш бўйича қатор илмий натижалар олинган, жумладан: аграр бозорни инновацион ривожлантириш ва инвестицияларга боғлиқлиги моделлари ишлаб чиқилган (University of California, АҚШ), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида савдони ташкил этишни тартибга солиш тизими такомиллаштирилган (Tufts University, АҚШ), агроресурслар бозорининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган (Boston University, АҚШ), фермер хўжалиги маҳсулотларини аграр бозорга келтириш, сақлаш ва сотиш фаолиятини рағбатлантириш бўйича таклифлар берилган (University of Adelaide, Australia), қишлоқ хўжалигига агрохизматлар кўрсатувчи субъекларни солиққа тортиш механизмида имтиёзлар бериш жараёнлари ўрганилган (University of Adelaide, Australia), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарга субсидиялар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ўрганилган (Oxford University Press, Англия), аграр соҳадаги иқтисодий категориялар, моддий-техника ресурслари ва уларни баҳолаш механизмлари ёритилган (Россия давлат аграр университети, Россия), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи харид қилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан фьючерс шартномаларини тузиш бўйича ташкил этилган савдо-харид корхоналари ишини фаоллаштириш юзасидан илмий тавсия ишлаб чиқилган (Беларуссия давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Беларуссия).

Дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш бўйича қуйидаги йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: аграр бозор таркиби ва уларнинг таснифини ишлаб чиқиш; аграр соҳада тежамкор технологиялар асосида мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш; қишлоқ хўжалигида ноанъанавий агрохизматлар бозорини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини инновацион омиллар ҳисобидан барқарор ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи корхоналарнинг иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аграр соҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари фаолиятини ривожлантириш масалаларида кўплаб хорижлик иқтисодчи

олимлар, жумладан: К.Anderson, L.Gilbert, Y.Ramkishen, Ф.Котлер, К.Макконнелл ва С.Брю, Н.Коваленко, А.Орлов, В.Яковец, И.Добрынин, И.Макарец, Ф.Шакирова<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси тизимдаги имкониятлардан самарали фойдаланиш масаласида жумладан: Р.Хусанов, Ф.Қаюмов, Қ.Чориев, А.Жўраев, Ў.Умурзоқов, Н.Хушматов, Р.Абдуллаев, А.Қодиров, Ч.Муродов, Э.Юсупов, У.Нигмаджанов, И.Ражабов, Т.Фармонов, Ф.Назарова, Э.Трушин, С.Джалалов, А.Абдуғаниев, К.Мирзаев, И.Рафиқов<sup>5</sup> каби иқтисодчи олимлар тадқиқотларини шулар қаторига киритиш мумкин.

Лекин, юқорида тилга олинган муаллифлар илмий ишларида мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ва мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг кейинги босқичлари устувор вазифалари доирасида бажарилган бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини тезкор ривожлантиришнинг ўзига хос инновацион модели тўлиқ камраб олинмаган.

Айниқса, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кўрсатилаётган хизматлар турлари, бажарилаётган иш ҳажми ва баҳоси таҳлилларига кўра хизмат

---

<sup>4</sup> Anderson K. Agricultural Price and Trade Policy Reform in Developing Countries Since. London-2010. – 112 p.; Gilbert L. Commodity Speculation and Commodity Investment. University of Trento. Italy-2008. – 132 p.; Ramkishen, Y. New Perspectives in Rural and Agricultural marketing. 2nd ed., Jaico Publications, Mumbai, India-2004. - 87 p.; Котлер Ф. Основы маркетинга. Вильямс.; М., 2007. – 54 с.; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. санг. Таллин-1993. –169 с.; Коваленко Н. Экономика сельского хозяйства. М.: 2017. – 65 с.; Орлов А. Организация производства. Типография НГТУ им Р.Е.Алексеева. Н.Н-2013. – 89 с.; Яковец В. Цивилизация: теория, история, диалог, будущее. Graspо Чешская Республика-ООО Алекс Медиа-2006. – 146 с.; Макарец И., Макарец Н, Экономика производства сельскохозяйственной продукции. Санкт.П-2002. – 174 с.; Шакирова Ф. Организация сельскохозяйственного производства. М.; -2000. – 182 с.

<sup>5</sup> Хусанов Р. Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.; -1994. – 72 с.; Қаюмов Ф.К. К вопросу об аграрной политике Республики Узбекистан на этапе перехода к рыночной экономике. – Т.1992. – 22 с.; Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. Т.: 1992. – 183 с.; Хусанов Р., Жўраев А. Аграр ислохот иқтисодиётини юксалтиришнинг асосий шарт. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. – №1 6-7 б.; Умурзоқов Ў.П. Повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. Т.: “Фан” - 2006 й. – 216 б.; Хушматов Н., Алиев Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришдаги муҳим назарий масалалар. Илмий-амалий тавсиялар.;Т.: 2015. – 36 б.; Абдуллаев Р. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш: ...икт. фан. док. дис. автореферати.; Т.; 2001. – 42 б.; Қодиров А., Абдуллаев А. Қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожланишининг чет эл тажрибаси ва уни Ўзбекистон шароитига мослаштириш. Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Т.; 2007. – 208 б.; Мурадов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: икт. фан. док. дис. Автореферати; Т.: – 2001. – 15 б.; Юсупов Э. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги. – Агроиктисодиёт. - Тошкент, - 2017. – №1. – 68 б.; Нигматжанов У.Х. Агропромышленный комплекс Республика Узбекистан на пути к рыночной экономика. – Т.; 1994. – 127 с.; Ражабов И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги: икт. фан. док. дис. автореферати. Т.: – 2006. – 26 б.; Фармонов Т. Фермер хўжалиқларини ривожлантириш истикболлари. Т.: – 2004. – 103 б.; Назарова Ф, Мўминов Ш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш механизмини такомиллаштириш. Т.: – 2006. –109 б.; Трушин Э. Реформирование земельно-водных отношений как условие экономического роста: Автореф. док д-ра эк.наук. – М.; 1996 – 46 с.; Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. Т.; 2000. 21 с.; Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик) – Т.: 2004. -304 б.; Мирзаев К.Д. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари: икт. фан. док. дис. автореферати. Самарқанд.: –2012. – 43 б.; Хусанов Р., Хамдамов А., Рафиқов И. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати, муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Т.; –2001. – 20 б.



кўрсатиш соҳаси фаолияти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари талабларига жавоб бермаслиги қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига тўсик бўлаётган бўлса, айти пайтда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий аҳволи хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини белгилаб бермоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ривожланишининг агрохизматлар бозорлари, агроресурслар бозорларига боғлиқлиги боисдан, хизмат соҳаси субъектлари фаолиятини ривожлантириш, сервис тузилмалари рақобатбардошлилигини ошириш, сервис корхоналари ички хўжалик иқтисодий муносабатларини илмий-амалий асосларини такомиллаштириш долзарблик касб этмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, аграр соҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари фаолиятини комплекс равишда, эркин бозор қонунлари доирасида ривожлантириш бўйича илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар тайёрлаш зарурати ушбу мавзунини танлашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида ҚХА-2-003-“Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини мутаносиб ривожланишининг илмий-амалий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бозор муносабатлари ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

аграр бозор асосини ташкил қилувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларининг таркиби ҳамда улар фаолиятини узвий боғлиқ ҳолда ўзига хос ривожлантириш хусусиятларининг назарий жиҳатларини очиқ бериш;

аграр бозор таркиби сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларининг таркибий қисмлари ва улар фаолиятининг узвий боғлиқлигини илмий жиҳатдан асослаш. Бунда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари таркибини таснифлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожлантиришни таъминлаш мезон ва кўрсаткичлари тизимини илмий асослаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожланишини таъминлаш мезонлари ва услублари бўйича тавсиялар тайёрлаш;

асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизими самарадорлиги ва қишлоқ хўжалиги учун зарур агроресурслар ҳамда агрохизматлар бозорлари ривожланишининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда давлат томонидан мувофиқлаштириш йўллари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларининг ўзаро боғлиқ ҳолда комплекс ривожланишини таъминлаш йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш тармоғи, қишлоқ хўжалигининг ресурс таъминоти тизими ва агрохизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш жараёнида гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, статистик кузатиш, индукция, дедукция, умумлаштириш усуллари, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари узвий ривожланишини таъминлаш мезони тавсия этилган ҳамда мезонга асосланган ҳолда аграр бозорни узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан аграр бозор доирасида баҳолар ўсиши нисбатлари бузилиши ҳисобидан кўриладиган зарар миқдорини аниқлаш услуби тавсия этилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини кредит, суғурта, божхона ва бошқа иқтисодий дастаклар орқали рағбатлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

агросервис тизими субъектлари учун солиқ ставкасини ҳудудлар табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақали ҳисоблаш усуллари тавсия этилган;

давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар баҳолари мониторингини юритиш асосида тармоқлараро баҳо ўсиши паритетини таъминлаш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари узвий ривожланишини таъминлаш мезони тавсия этилган бўлиб, бу мезондан аграр бозорни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган давлат дастурларини тайёрлашда фойдаланиш тавсия этилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан аграр бозор доирасида баҳолар ўсиши нисбатлари бузилиши ҳисобидан кўриладиган зарар миқдорини аниқлаш услуби тавсия этилган ҳамда ушбу услуб орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳолар бузилиши ҳисобидан кўрилган зарар миқдори аниқланган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини кредит, суғурта, божхона ва бошқа иқтисодий дастаклар орқали рағбатлантириш юзасидан берилган тавсиялар аграр бозорни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

агросервис тизими субъектлари учун солиқ ставкасини ҳудудлар табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақали ҳисоблаш усули тавсия этилган бўлиб, бу эса ушбу субъектларни солиққа тортишда солиқ ставкаларини адолатли шаклланиш имконини берди;

давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар баҳолари мониторингини юритиш асосида тармоқлараро баҳо ўсиши паритетини таъминлаш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, аграр бозорни баҳолар орқали мутаносиб ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларни аграр бозорни ривожлантириш бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек таклиф ва тавсияларни амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш имконини беради.

Шунингдек, амалий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришни таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилганлиги, тегишли бозорларни ривожлантиришни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ҳамда маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ҳамда тармоқ ОТМларидаги тегишли фан йўналиши бўйича таълим жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Бу эса ўз ўрнида давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришга қаратилган турли тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари узвий ривожланишини таъминлаш мезони тавсия этилган ҳамда мезонга асосланган ҳолда аграр бозорни узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш бўйича услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Танланган мезонлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларининг ривожланишини таъминлаш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рентабеллиги даражасини 10-15 фоизга ортиши имконини яратган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан аграр бозор доирасида баҳолар ўсиши нисбатлари бузилиши ҳисобидан кўриладиган зарар миқдорини аниқлаш услубига доир тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни амалиётга жорий этиш фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ресурслар билан таъминланиш даражасини 10-15 фоизгача ҳамда маҳсулот етиштириш рентабеллигини 20 фоизгача ошириш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини кредит, суғурта, божхона ва бошқа иқтисодий дастаклар орқали комплекс ривожланишини таъминлаш йўналишлари бўйича илмий асосланган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Бу орқали аграр соҳани комплекс ривожлантириш тадбирларининг қишлоқ хўжалиги ривожланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши натижасида ҳар бир тармоқнинг ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши илмий асослаб берилган;

агросервис тизими субъектлари учун солиқ ставкасини ҳудудлар табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақали ҳисоблаш усуллари орқали давлат томонидан рағбатлантириш дастаклари бўйича илмий асосланган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни амалиётга жорий этиш нисбатан ёмон шароитларда жойлашган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаши туфайли етиштирилаётган маҳсулот бирлиги ҳисобига ортиқча сарфларни 15 фоизгача камайтириш имкониятини яратган;

давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар баҳолари мониторингини юритиш асосида тармоқлараро баҳо ўсиши паритетини таъминлаш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси аграр соҳасини илмий таъминоти ва аграр илм фанини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Бу тавсиялар қишлоқ хўжалиги илм-фанини истиқболда ривожлантиришдаги муҳим талабларидан бири сифатида шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари асосида тўртта халқаро, йигирма еттита республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 13 та илмий мақолалар, шундан маҳаллий журналларда 11 та, хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.


**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг ҳажми 226 саҳифадаги матн, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишда 24 та жадвал ва 24 та расм келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларининг таркиби, узвий боғлиқлиги, ривожлантиришни таъминлаш мезон ва кўрсаткичлари тизими илмий жиҳатдан ёритилган.

Жумладан, мавжуд агроресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига олди-сотди муносабатлари орқали жалб этиш борасидаги иқтисодий муносабатлар ва шунингдек аграр тармоқда етиштирилган маҳсулотлар тақсимоти билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими аграр бозор шаклланишига олиб келади. Аграр бозор таркибини қуйидагича тавсифлаш мумкин (1-расм).



**1-расм. Аграр бозорнинг умумий таркибий тузилиши<sup>6</sup>**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари аҳамияти ва бажарадиган вазифалари жиҳатидан аграр бозор асосини ташкил этади. Шунингдек, аграр бозор таркибига қатор бозорлар киритилиши мумкин бўлсада, уларнинг асосийлари сифатида агроресурслар бозорлари, агрохизматлар бозорлари ва агроресурслар бозорлари таркибида, қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнлар фаоллашётгани туфайли интеллектуал мулк объектлари бозорини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча ушбу бозорлар умумий тарзда аграр тармоқда барча бозорларни ўз ичига камраб олади.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тортиб то тайёр маҳсулот бўлгунгача ораликдаги жараёнда “қишлоқ хўжалиги маҳсулоти” ёки “аграр тармоқ маҳсулоти” сифатида талқин этилади. Мазкур услубий ёндашувга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига қуйидагича таъриф бериш тавсия қилинади:

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори” (ҚХМБ) – бу қишлоқ хўжалиги корхоналари (бевосита ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги чорва моллари, моддий-техника ресурсларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар) томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун ёки бевосита охириги истеъмол учун, шунингдек, фойда олиш мақсадида харид қилиш ва сотиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини қуйидаги таркибда тавсифлаш мумкин (2-расм):

Агроресурслар бозори бизнингча умумий тарзда қуйидагича таърифланиши мақсадга мувофиқ:

<sup>6</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



**2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини маҳсулот турлари жиҳатидан гуруҳлари<sup>7</sup>**

“Агроресурслар бозори” (АРБ) бу – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, тайёрловчи, ташувчи, сақлаш ва савдо фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар билан ресурслар етказиб берувчи тармоқлар ўртасида аграр тармоқ учун зарур бўлган моддий-техника ва меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш, айри бошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш юзасидан пайдо бўлувчи ўзаро иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Агроресурслар ўз таркиби жиҳатидан турли тоифадаги ресурсларни ўз ичига олсада уларнинг умумийлик жиҳати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнлари билан фаолияти боғлиқ бўлган корхоналар томонидан ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиладиган ресурсларни ташкил этади.


Агроресурслар таркибини республикаимиз аграр тармоғида шаклланган иқтисодий муносабатлар доирасида умумий тарзда қуйидагича таркибида ифодалаш мумкин бўлади (3-расм).

Бажарадиган вазифалари, аграр тармоқни ривожлантиришдаги ўрни, фаолият юритиш механизмидаги хусусиятлар жиҳатидан агрохизматлар бозорига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“Агрохизматлар бозори” (АХБ) – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар, аграр тармоқда ресурс таъминоти билан шуғулланувчи субъектлар ва турли йўналишдаги хизматлар кўрсатувчи

<sup>7</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

бўғинлар ўртасидаги хизматларни талаб ва таклиф қонунлари асосида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айри бошлаш ва истеъмол қилиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.



**3-расм. Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган асосий агресурсларнинг таркиби<sup>8</sup>**

Қишлоқ хўжалигида агрохизматлар бозори мустақил фаолият юритсада лекин унинг фаолияти самарадорлиги қишлоқ хўжалиги тармоғига бевосита боғлиқ ва аксинча қишлоқ хўжалиги тармоғи фаолияти самарадорлиги агрохизматлар бозори фаолияти самарадорлигига боғлиқ бўлади (4-расм).

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агресурслар ва агрохизматлар бозорларини мутаносиб ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланишини таъминлаш мезонлари юзасидан услубий ёндашувлар ва услублар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирига баҳо бериш йўналишлари ёритилган.

Аграр бозор ривожланишини таъминлаш маълум мезонлар ва кўрсаткичлар орқали амалга оширилиши лозим. Бозорлар фаолиятига баҳо бериш ва уларни бошқариш имконини берадиган мезон ҳамда кўрсаткичлар

<sup>8</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.



ўз ўрнида нисбий таққосланиши лозим. Чунки, бошқа бозорлар ҳам аграр бозор билан ўзаро боғлиқликда фаолият юритади.




**4-расм. Аграр тармоқда агрохизматлар бозорларининг таркибий тузилиши<sup>9</sup>**

Бизнингча асосий мезон сифатида – аграр бозор фаолияти учун “Тенг иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш” асос сифатида қабул қилиниши лозим. Аммо, ушбу мезон назарий жиҳатдан тўғри бўлсада, ундан амалий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш анча мураккаб. Шу боисдан, мезон танлашда аграр бозорни асосий фаолияти ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ деб қабул қилиш талаб этилади.

Демак, бозор муносабатлари ривожланиб бориши шароитида аграр бозорни ривожлантиришдаги асосий мезон сифатида “Ўртача имкониятга эга бўлган аграр бозор субъектларининг товар маҳсулоти бирлигини тайёрлаш (етиштириш) ҳисобига сарф қиладиган ишлаб чиқариш харажатларини қоплай оладиган даражадаги ўртача баҳода маҳсулот сотишини таъминлаш” масаласи қабул қилиниши лозим (5-расм).

<sup>9</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.



**5-расм. Аграр бозорни ривожлантиришни таъминлашнинг мезон ва кўрсаткичлари<sup>10</sup>**

Бундай мезон қабул қилишнинг муҳимлиги шундаки, аграр бозор бугунги кунда турли рақобат муҳитида ёки монопол шароитда фаолият юритмоқда. Демак, монопол бозорга таклиф этилган маҳсулот монопол баҳода сотилади.

Аммо, аксарият ҳолда рақобат шароитида маҳсулот сотаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз харажатларини қоплайдиган даражадаги баҳода эмас, балки амалда бозорда шаклланган баҳода маҳсулот сотишга мажбур. Бу эса кўпинча фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳам қопламайдиган баҳода маҳсулот сотишга олиб келади. Бу вазият асосан сақлаш қийин бўлган ва тез бузладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида кузатилади.

Ҳар қандай бозорни самарали фаолияти асосини талаб, таклиф қонуниятлари асосида шаклланивчи баҳо ва унинг ўзгариши ташкил этади (6-расм).

Демак, талаб, таклиф ва баҳо орқали аграр бозор доирасида ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар ўртасидаги товарлар айрибошлаш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш тавсия қилинади (бозорлар ривожланишини таъминлаш).

<sup>10</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



**6-расм. Аграр бозор фаолиятини ривожлантиришни таъминлашдаги услубий ёндашув асоси<sup>11</sup>**

Аграр бозорни ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда қуйидагича схема тавсия қилинади (7-расм).

Аграр бозорни ривожлантиришни таъминлаш бозор қонуниятларига асосланиши ҳамда давлат томонидан тартибга солиш имкониятларидан воз кечмаган ҳолда устувор равишда иқтисодий дастакларга таяниш талаб этилади. Бунда, бозорлар ривожланишидаги мутаносиблик бузилиши, баҳо паритети бузилиши орқали аграр соҳа тармоқларининг зарар кўришини олдини олиш назарда тутилади. Ушбу масалани ҳал этиш учун қуйида тавсия этилаётган “Аграр бозор ривожланиши мутаносиблигини тармоқлараро баҳо ўсиши нисбати бузилишини тўғрилаш орқали тартибга солиш усули” (БНБТ) тавсия қилинади.

Мазкур услуб асосида республика бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ривожланиши даражасига объектив баҳо бериш билан бирга қишлоқ хўжалигидан саноат тармоқлари томонидан баҳо мутаносиблиги

<sup>11</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

бузилиши натижасида ўзлаштирилаётган маблағлар миқдорини аниқлаш имкони туғилади.



**7-расм. Аграр бозорни ривожлантиришни таъминлаш тизимининг умумий чизмаси<sup>12</sup>**

Бунда, қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш тавсия қилинади:<sup>13</sup>

- республика бўйича ўртача кўп йиллик (камида сўнгги 10 йил) асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача баҳолари ўсиши индекслари қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади ( $KXМ_{и}$ ).

Бунда, республика бўйича сувли экин майдонлари таркибида катта салмоққа эга бўлган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича (масалан пахта ва ғалла) ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

<sup>12</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>13</sup> Ушбу формулалар муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

$$K X M_{и} = \frac{A \mathcal{E}_{(жорий)} : \mathcal{E} C}{A \mathcal{E}_{(базис)} : \mathcal{E} C} \quad (1.1)$$

Бу ерда,  $A \mathcal{E}_{(жорий)}$  – асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг танланган охирги йилдаги ўртача жорий баҳоси йиғиндиси, кг/сўм;

$A \mathcal{E}_{(базис)}$  – асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг танланган базис йилдаги ўртача баҳолари йиғиндиси, кг/сўм;

$\mathcal{E} C$  – ҳисоб-китоблар учун танлаб олинган экинлар сони.

• республикада қишлоқ хўжалиги тармоғи учун зарур асосий саноат маҳсулотларининг кўп йиллик (сўнгги камида 10 йил) ўртача нархлари ўсиши индекси ҳисоблаб топилади ( $С M_{и}$ ). Ушбу кўрсаткични қуйидаги формула билан аниқлаш тавсия қилинади:

$$C M_{и} = \frac{(E p + M p + T p)_{(жорий)}}{(E p + M p + T p)_{(базис)}} \quad (1.2)$$

Бу ерда,  $\mathcal{E} p$  – ёқилғи мойлаш материалларининг ўртача нархлари;

$M p$  – минерал ўғитлар асосий турлари бўйича ўртача нархлари;

$T p$  – техника ва эҳтиёт қисмлар кўп йиллик ўртача нархлари.

• тармоқ учун зарур асосий саноат маҳсулотлари ўртача баҳоси ўзгариши индексини асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача баҳоси ўзгариши индексига нисбати аниқланади (БН), яъни:

$$B H = \frac{C M_{и}}{K X M_{и}} \quad (1.3)$$

Бу ерда, БН – тармоқ учун зарур асосий саноат маҳсулотлари ўртача баҳоси индексини асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача баҳоси индексига нисбати. Ушбу кўрсаткич қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртача баҳосининг саноат маҳсулотлари ўртача баҳоларига нисбатан қандай суръатлар билан ўсиб бораётганлигини билдиради.

Биз таъкидлаганимиздек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўсиши суръатларининг пастлиги туфайли, фермер хўжаликларини моддий техника базасини мустаҳкамлаши учун молиявий имкониятлари пасайиб боришини олдини олиш мақсадида, тармоқлараро баҳо паритетини тиклаш учун талаб этиладиган кўрсаткични, яъни «Аграр бозор ривожланиши мутаносиблигини тармоқлараро баҳо ўсиши нисбати бузилишини тўғрилаш» учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади (БНБТ):

$$B H B T = B H \times A \mathcal{E}_{(жорий)} \quad (1.4)$$


Юқоридаги ҳисоб-китоблар билан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тармоқлараро товар айирбошлаш нисбати номутаносиблиги бузилиши натижасида (танлаб олинган сўнгги йил жорий баҳоларида) бир бирлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳисобидан кўрилган зарари миқдори аниқланади.

Ушбу тавсиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори учун жуда муҳим. Чунки, ривожланган давлатлар тажрибаларига кўра, давлат

томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқлари доимий равишда қўллаб-қувватланади. Хусусан, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи саноат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи ўсиши суръати кузатиб борилади ва қишлоқ хўжалиги тармоғи саноат маҳсулотлари нархи ўсишидан ҳимояланади. Ҳимоялар субсидиялар, квоталар, имтиёзли кредитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг кам баҳосини белгилаш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда иқтисодий ислохотлар олиб борилаётган даврда қишлоқ хўжалиги тармоғи иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга кўпроқ муҳтожлик сезади. Бундай ҳолатда давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларни зарурий ресурсларга бўлган талаби ортади. Ўз навбатида, фермер хўжаликларини давлат томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва молиявий ёрдам бериш зарурлигини кўрсатади. Бу чора-тадбирларни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланишини таъминлаш тизимини такомиллаштириш услубларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш зарур.

Ушбу услубнинг амал қилиш тартиби чизма шаклида қуйидагича кўринишга эга бўлади (8-расм).



**8-расм. Аграр бозорни ривожлантириш мутаносиблигини таъминлаш тизимининг умумий чизмаси<sup>14</sup>**

<sup>14</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти шароитида аграр бозорни ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири яққол намоён бўлади. Жумладан, фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурслар, иш кучидан фойдаланиш, хизматлар кўрсатиш борасидаги иқтисодий муносабатлар бевосита бозор механизми орқали ишлаб чиқаришга турлича таъсир кўрсатади (9-расм).



**9-расм. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигига агресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланганлиги даражасини таъсири<sup>15</sup>**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг макон доирасида жойлашуви, ҳудудий хусусиятлари ва агресурслар билан таъминот даражасидаги тафовутлар ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини тез суръатларда ва кескин оширишни чегаралайди. Шу сабабли, мамлакатимиз ҳудудий вилоятларида мавжуд ресурс салоҳиятидан (табiiй-иқлим, ер-сув, меҳнат ресурслари, энергетика ресурслари ва бошқалар) эркин бозор талаблари асосида фойдаланиш ва бу жараёнларда янги тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга эришиш мумкин бўлади. Ушбу омиллардан фойдаланиш даражаси қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмига ва уни таннархига ўз таъсирини кўрсатади.

<sup>15</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланганлиги ва ўзаро муносабатлар тизимига ҳам боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланишининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган учинчи бобида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш тизими самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги учун зарур асосий агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланиш ҳолати ўрганилган.

Республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, ер ва мулкни ўз эгаларига берилиши, деҳқонни ўз меҳнатини натижасига эгалик қилиши учун яратилган шарт-шароитлар ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил ўсиб боришини таъминлади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори сўнгги 12 йил давомида 2005 йилдаги 5978,3 млрд сўмдан, 2010 йил 16774,7 млрд сўмга, 2015 йилда 46116,7 млрд сўмга ва 2017 йилда эса 69504,2 млрд сўм ёки 2005 йилга нисбатан 11,6 мартага ортгани фикримизнинг далилидир.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, шу давр мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиб бориши баробарида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғини салмоғи камайиб бориши, мамлакат иқтисодининг давлат мустақиллигини дастлабки йилларидагидек қишлоқ хўжалиги тармоғига боғлиқлик даражаси камайиб бораётганлигидан далолат беради. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2005 йилда 37,5 фоизни ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда муттасил камайиб бориб, 2017 йилда 19,2 фоизни, яъни 2 мартаба камайган.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари, хусусан саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳалари ривожланиб бориши, қишлоқларда тадбиркорлик асосида фаолият юритувчи субъектларнинг ривожланиши орқали янги иш ўринлари яратилиши билвосита қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳам ривожланишини таъминламоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш тадбирлари, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг ўзгаришига олиб келган бўлса, ҳосилдорлик ортиши натижасида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмлари ҳам ўзгариб борган (1-жадвал).

Хусусан, пахта хомашёси ишлаб чиқариш 2005 йилдаги 3749,0 минг тоннадан 2017 йилда 2900,2 минг тоннага пасайган ҳолда 2005 йилга нисбатан 2017 йилда 22,7 фоизга камайган бўлса, дон етиштириш ҳажмлари шу даврда 113,8 фоизга ўсган. Чорвачилик маҳсулотлари хусусан сут ва гўшт етиштириш ҳажмлари 2 мартадан кўпроққа ортган. Сабзавотлар, мевалар, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини ҳам кескин 2,5 мартадан 3 мартагача ортганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига хизмат кўрсатувчи субъектлар сонига эътибор қаратадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчиларнинг асосий



харажатларидан бири бу механизация харажатлари бўлиб, хўжаликларга механизация хизматлари МТП ва ММТПлар орқали кўрсатилади.

### 1-жадвал

#### Республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари ўзгариши<sup>16</sup>

(МИНГ ТОННА)

Кўрсаткичлар	2005 йил	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2005 йилга нисбатан, %
Пахта	3749,0	3404,0	3400,2	3361,3	2959,0	2900,2	77,3
Донли экинлар	6401,8	7404,1	8050,5	8173,5	8261,3	7288,5	113,8
Сабзавотлар	3517,8	6346,5	9286,7	10129,3	11275,8	10219,9	290,5
Полиз	615,3	1182,4	1696,1	1853,6	2044,9	2031,0	330,1
Мевалар	949,3	1710,3	2490,6	2746,1	3042,8	2614,9	275,4
Узум	641,6	987,3	1441,2	1579,3	1735,8	1625,5	253,3
Гўшт (тирик вазнда)	1061,2	1461,4	1906,3	2033,4	2172,5	2286,8	215,5
Сут	4554,9	6169,0	8431,6	9027,8	9703,4	10047,9	220,6

Мамлакатимизда муқобил трактор парклари сони ўзгаришига аҳамият берадиган бўлсак, 2013 йилда Қорақолпоғистон Республикасида жами 134 та, Андижон вилоятида 186 та, Жиззах вилоятида 4 та, Қашқадарё вилоятида 184 та, Самарқанд вилоятида 241 та муқобил трактор парклари мавжуд бўлса, 2017 йилга келиб муқобил трактор парклари сони мос равишда 141 та, 188 та, 2 та, 180 та ҳамда 236 тани ташкил этмоқда. Республика бўйича жами ММТП сони 2013 йилдаги 1720 та ўрнига 2017 йилга келиб 1429 тани ташкил этмоқда (2-жадвал).

Республикада 2013 йил ҳолатига кўра 1486 та СИУ лар мавжуд бўлган бўлса, 2017 йил ҳолатига кўра 1504 тани ташкил этмоқда. Худудлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп СИУ Қашқадарё вилоятида, яъни 152 тани ҳамда энг кам СИУлар Самарқанд вилоятида яъни 40 та сув истеъмолчилари уюшмаси фаолият юритмоқда. СИУларни ташкил этиш худудларнинг сув манбаалари билан таъминланиш даражасига боғлиб бўлиб, географик жойлашуви асосий таъсир этувчи омил саналади.

Республикада чорвачилик соҳаси жадал ривожланиб бориши туфайли, тармоққа хизматлар кўрсатиш тизимини ҳам ривожлантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, 2013 йилда 2591 та зооветеринария шахобчалари фаолият олиб борган бўлиб, 2017 йилда 2450 тани ташкил этган. 2013-2017 йиллар оралиғида зооветеринария хизмати шоҳобчаларини 141 тага, консалтинг ва маркетинг хизмати тармоқлари сони 225 тага камайганлигини кузатиш мумкин.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига  
хизмат кўрсатувчи субъектлар сони ўзариши, дона<sup>17</sup>**

Хизмат кўрсатиш субъектлари	Йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навой	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Республика бўйича
Жами муқобил МТПлар	2013й.	134	186	104	4	184	52	139	241	126	91	191	161	106	1720
	2014й.	134	185	104	5	184	52	135	241	135	57	177	161	77	1647
	2015й.	132	185	104	6	193	17	135	241	126	57	191	148	106	1642
	2016й.	132	185	104	5	194	17	135	241	126	57	191	148	106	1641
	2017й.	141	188	55	2	180	15	122	236	95	26	128	168	73	1429
СИУлар	2013й.	129	109	118	115	139	57	144	35	153	104	149	119	115	1486
	2014й.	128	109	124	115	145	57	144	35	153	105	149	123	114	1501
	2015й.	128	109	128	119	147	57	143	36	151	104	148	124	114	1508
	2016й.	127	109	128	119	148	57	144	36	151	105	148	124	114	1510
	2017й.	127	101	131	116	152	55	134	40	152	108	148	127	113	1504
Мини банклар	2013й.	113	63	91	96	129	35	122	230	57	75	145	149	99	1404
	2014й.	113	72	57	96	210	35	122	230	30	56	145	149	82	1397
	2015й.	102	29	72	96	210	35	48	178	57	37	144	61	99	1168
	2016й.	103	29	72	96	210	35	48	179	57	37	145	61	99	1171
	2017й.	55	13	11	7	258	47	10	16	12	7	12	14	11	473
Зооветеринария хизмати шахобчалари	2013й.	125	192	215	146	295	81	140	434	279	80	203	223	178	2591
	2014й.	126	190	215	145	295	82	140	434	279	80	203	223	178	2585
	2015й.	124	192	215	146	295	81	140	434	279	80	203	223	178	2589
	2016й.	126	192	215	146	295	82	140	434	279	80	203	223	178	2591
	2017й.	128	152	216	140	236	69	125	442	235	81	194	252	180	2450
Консалтинг ва маркетинг хизмати тармоқлари	2013й.	19	23	38	12	35	15	12	17	26	4	18	48	35	302
	2014й.	15	18	36	11	34	16	15	44	25	2	18	48	35	317
	2015й.	14	12	37	13	36	14	15	43	24	2	17	81	34	342
	2016й.	16	12	38	12	35	15	12	43	25	2	18	82	35	345
	2017й.	14	15	4	1	1	8	5	6	3	1	15	3	1	77

Бу ҳолатни хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланиб бориши, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни бозорларга тақлиф қилиш тизимининг хусусийлашиб бориши билан боғлиқ ҳолда юз бераётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бугунги кунда аграр соҳада тармоқлар ўртасидаги баҳо ўсиши суръатларига эътибор қаратадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари турли нисбатларда ўсмоқда (3-жадвал).

Агар 2005 йилда бир дона ТТЗ-100К.11 русумли тракторни сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари 75,8 тонна пахта хомашёсини сотишлари керак бўлган бўлса, 2017 йилда 87,5 тонна пахта хомашёси сотилиши талаб этилган. Ёки ушбу русумдаги бир дона тракторни сотиб олиш учун 2005 йилда 235,6 тонна буғдой сотиш керак бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу миқдор 286,4 тоннани ташкил этган.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

**Асосий турдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  
баҳолари ўсишини эквивалент асосида таққослаш<sup>18</sup>**

Ресурслар турлари	Бир бирлик ресурс баҳоси, (минг сўм)		Бир бирлик ресурс баҳосига эквивалент пахта миқдори, (т.)		Бир бирлик ресурс баҳосига эквивалент буғдой миқдори, (т.)		2005 йилга нисбатан 2017 йилда ўсиш	
	2005 йил	2017 йил	2005 йил	2017 йил	2005 йил	2017 йил	Эквивалент пахта миқдори, (%)	Эквивалент буғдой миқдори (%)
<b>1. Техникалар (1 дона)</b>	-	-	-	-	-	-	-	-
- ТТЗ-100К.11	19320	157517	75,8	87,5	235,6	286,4	115,4	121,6
- барона (дискали)	858	31600	3,4	17,5	10,5	57,4	5,1 марта	5,5 марта
- омовчлар (Пн-2/30)	3144	41279	12,3	22,9	38,3	75,0	186,2	195,9
<b>2. Минерал ўғитлар (тонна)</b>	-	-	-	-	-	-	-	-
- азотли ўғит	170	3800	0,7	2,1	2,1	6,9	300,0	328,6
- фосфорли ўғит	278	7300	1,1	4,0	3,4	13,3	363,6	191,2
- калийли ўғит	180	2400	0,7	1,3	2,2	4,4	185,7	200,0
<b>3. ЁММ (тонна)</b>	-	-	-	-	-	-	-	-
-дизель ёнилғиси	217	3750	0,9	1,2	2,6	6,8	133,3	261,5

Агар 2005 йилда бир дона ТТЗ-100К.11 русумли тракторни сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари 75,8 тонна пахта хомашёсини сотишлари керак бўлган бўлса, 2017 йилда 87,5 тонна пахта хомашёси сотилиши талаб этилган. Ёки ушбу русумдаги бир дона тракторни сотиб олиш учун 2005 йилда 235,6 тонна буғдой сотиш керак бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу миқдор 286,4 тоннани ташкил этган.

Азотли ўғитни сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари 2005 йилда 0,7 тонна пахта хомашёсини сотишлари керак бўлган бўлса, 2017 йилда 2,1 тонна пахта хомашёси сотилиши талаб этилган. Ёки ушбу азотли ўғитни сотиб олиш учун 2005 йилда 2,1 тонна буғдой сотиш керак бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу миқдор 6,9 тоннани ташкил этган. Юқорида келтирилган таҳлиллар тармоқлар ўртасидаги баҳо паритети бузилиши орқали аграр бозорнинг самарали ривожланиши учун тўсик бўлувчи асосий омил ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланишини таъминлаш йўналишлари”** деб номланган тўртинчи бобида аграр бозорларни ривожлантиришда давлатнинг мувофиқлаштирувчи вазифаси, ривожланиши қонуниятларига амал қилиши ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда ушбу

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

бозорларини ўзаро боғлиқ ҳолда комплекс ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда давлат томонидан устувор равишда солиқ, суғурта, кредит, баҳо ва божхона дастакларидан фойдаланиш билан биргаликда, давлат-хусусий шерикчилиги асосида, йирик саноат корхоналари кўмагида ҳудудий дастурларни амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизимни қуйидагича ифодалаш мумкин (10-расм).



**10-расм. Аграр бозорни ривожлантиришда давлатнинг рағбатлантириш дастаклари ҳаракати<sup>19</sup>**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорини ривожлантиришда давлатнинг таъсир этиш дастаклари сифатида солиқ, суғурталаш, кредитлаш, баҳо механизмини такомиллаштириш йўналишлари тавсия қилинмоқда. Бунда имтиёзли кредит, солиққа торттиш тизимидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ва сотишни рағбатлантиришни амалга ошириш зарур.

Шу билан бир қаторда бошқариладиган баҳолар тизими, имтиёзли асосдаги ресурс таъминоти, савдо кредитлари ажратиш, солиқ имтиёзлари

<sup>19</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

жорий этиш орқали ҳудудлар табиий-иқлим хусусиятларидан фойдаланган ҳолда экспортни рағбатлантирувчи механизмларни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг ноанъанавий усулларини татбиқ этиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, ресурс таъминоти билан шуғулланувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришда фермер ва деҳқон хўжаликларига турли хизматлар кўрсатувчи корхоналарга табақалаштирилган ягона солиқ тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда ягона солиқ ҳудудлар табиий-иқлим омиллари билан боғлиқ ҳолда шаклланивчи самарадорлик даражасига мос равишда солиқ ставкаси республика учун белгиланган ставкага нисбатан ўзгариб бориши лозим.

Шу боис, хизмат кўрсатувчи корхоналарга ягона солиқ тизимини жорий қилишда табақалаштирилган тизимдан фойдаланишда қуйидагича услуб тавсия қилинади<sup>20</sup>.

Бунда таъкидланганидек ягона солиқ вилоятларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғини табиий омиллар билан боғлиқ ҳолда шаклланивчи самарадорлик даражасига мос равишда солиқ ставкаси республика учун белгиланган ставкага нисбатан пасайиб боради. Табиий омиллар ичидаги хўжаликнинг иқтисодий натижасига кучли таъсир кўрсатиши ва содда ахборот йиғиш ҳамда ҳисоблаш имкони бўйича кўрсаткичлар танлаб олинади. Буларга:

– вилоятларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ўртача тупроқ балл-бонитети;

– вилоятнинг ҳудудлари бўйича ўртача йиллик вегетация даври давомийлиги кўрсаткичи танланиши мақсадга мувофиқ.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг тупроқ балл-бонитети ва ҳудудлар бўйича ўртача йиллик вегетация даври давомийлиги турлича кўрсаткичлар билан баҳоланиши боисдан уларни таққослаш мумкин бўлган коэффициентларга айлантириб олинади. Бунда:

– вилоятларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ўртача тупроқ балл-бонитетини коэффициентга айлантириш учун (ТБ<sub>к</sub>):

$$ТБ_{к} = \frac{ВТ_{б}}{ВБУТ_{б}} \quad (2.1)$$

Бу ерда,

ВТ<sub>б</sub> – алоҳида вилоятнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тупроғи балл-бонитети, (балл);

ВБУТ<sub>б</sub> – вилоятларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тупроғи балл-бонитети бўйича республика доирасидаги ўртача арифметик кўрсаткич, (балл).

Вилоятнинг ҳудудлари бўйича ўртача йиллик вегетация даври давомийлиги кўрсаткичини коэффициентга (УВД<sub>д</sub>) айлантиришда:

<sup>20</sup> Ушбу формулалар муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

$$\text{УВД}_д = \frac{\text{ВД}_д}{\text{ХБВД}_д} \quad (2.2)$$

Бу ерда,

ВД<sub>д</sub> – алоҳида вилоятнинг худудидаги йиллик вегетация даври давомийлиги, (кун);

ХБВД<sub>д</sub> – вилоятларнинг вегетация даври давомийлиги бўйича республика доирасидаги ўртача арифметик кўрсаткич, (кун).

(2.1) ва (2.2) формулалар асосида ҳисоблаб топилган кўрсаткичлар ҳар бир тегишли вилоят учун кейинги ҳисоб-китобларда асос бўлиб хизмат қилади. Кейинги босқичда ҳар бир вилоят учун суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ўртача тупроқ балл-бонитетини ва ўртача йиллик вегетация даври давомийлиги коэффициентлари йиғиндисини иккига бўлиш орқали ўртача кўрсаткич ҳисоблаб топилади.

Тавсия этилган услуб асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун республика бўйича белгиланган 5 фоизлик ягона солиқ ставкаси вилоятларнинг табиий-иқлим хусусиятига боғлиқ равишда ўзгариб бораётганлигини кўриш мумкин (4-жадвал).

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ягона солиқ ставкаси 5 фоиз эмас, балки 4,2 фоизлик миқдорга эга бўлиши керак эди. Қишлоқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатувчи субъектлар учун 5 фоизлик ягона солиқ ставкасини худудларнинг табиий-иқлим хусусиятлари асосида ўзгариб бориши хизматлар баҳоси камайиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналари учун билвосита иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирувчи аҳамиятга эга бўлади.

Аграр бозорни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосини такомиллаштириш чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган (11-расм).

Мазкур тадбирлар келажакда ҳаётга самарали жорий этилиши лозим бўлган амалий тавсифга эга тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг иқтисодий йўналиши қуйидагиларни ўзига қамраб олиши зарур:

– қишлоқ хўжалиги ва қайта ишланган маҳсулотлар сотиш ва дастлабки баҳо белгилаш тизимини такомиллаштириш;

– шароити оғир худудлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар, ресурслари билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш субъектларига давлат бюджетидан дотация ва субсидиялар бериш;

– моддий-техника ресурслари таъминоти ва сервис хизмат кўрсатиш корхоналарини имтиёзли, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳамда уларга солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

**Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналарга ягона  
солиқ ставкасини ҳудудлар табиий-иқлим хусусиятлари  
асосида тўғрилаш услуги<sup>21</sup>**

Маъмурий ҳудудлар	Экин майдонлари балл- бонитети, (балл)	Вегетация даври даврийлиги, (кун)	Тупроқ балл-бонитет коэффициенти	Вегетация даври коэффициенти	Балл-бонитет ва вегетация даври бўйича ўртача кўрсаткич	Тўғриловчи коэффициент	Ягона солиқ ставкаси, (%) = 5,0 табақаланиши
Қорақалпоғистон Республикаси	41	195	0,75	0,93	1,68	0,84	4,2
Андижон	57	210	1,04	1,01	2,05	1,03	5,1
Бухоро	50	205	0,91	0,98	1,89	0,95	4,6
Жиззах	51	210	0,93	1,01	1,94	0,97	4,9
Қашқадарё	51	225	0,93	1,08	2,01	1,01	5,1
Навоий	53	205	0,96	0,98	1,94	0,97	4,9
Наманган	59	210	1,07	1,01	2,08	1,04	5,2
Самарқанд	57	205	1,04	0,98	2,02	1,01	5,1
Сурхондарё	56	225	1,02	1,08	2,10	1,05	5,3
Сирдарё	52	210	0,95	1,01	1,96	0,98	4,9
Тошкент	59	210	1,07	1,01	2,08	1,04	5,2
Фарғона	56	210	1,02	1,01	2,03	1,02	5,1
Хоразм	53	195	0,96	0,93	1,89	0,95	4,6
<b>Ўртача</b>	<b>55</b>	<b>208,8</b>	<b>1,00</b>	<b>1,00</b>	<b>1,0000</b>	×	×

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат маҳсулотлари нархлари ўсиши суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва бу борада давлатнинг ролини кучайтириш;

– аграр соҳа корхоналарини ривожлантиришга давлат томонидан ва хусусий тармоқдан инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш;

– қишлоқ хўжалиги соҳасига таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи тизим корхоналарини ривожлантиришга ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантирувчи иқтисодий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

– маҳсулот етиштириш, ресурслар таъминоти ва сервис хизмат кўрсатиш тизимида инновация жараёнларини жадаллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус давлат дастурини қабул қилиш;

<sup>21</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

– ресурслар таъминоти, хизмат кўрсатиш корхоналарини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг пировард натижасидаги манфаатдорлик механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.



**11-расм. Аграр бозорни ривожлантиришнинг илмий жиҳатлари<sup>22</sup>**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг ташкилий йўналиши қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

– қишлоқ хўжалигида ресурс таъминоти ва сервис хизматлари кўрсатиш субъектларини ташкил этишда маъмурий ёндашувга барҳам бериш, бу борада қўйи бўғин ташаббусини қўллаб-қувватлаш, яъни ҳудудлардаги тегишли хизматларга бўлган ҳақиқий талабни инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишни кўзда тутиш;

<sup>22</sup> Муаллифнинг илмий тадқиқот натижалари асосида тузилган.



– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ресурслар таъминоти ва хизмат кўрсатиш корхоналари ишчиларининг малакасини ошириш ва маркетинг, менежмент ҳамда бошқа зарурий соҳалар бўйича энг замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ва улар билан таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналарига сифатли, арзон ва ўз вақтида зарурий моддий-техника ресурслари ва хизматларни етказиб бериш бўйича турдош шахобчалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

– уруғчилик, селекция ва наслчилик ишларини яхшилаш учун илмий муассасалар моддий-техника базасини такомиллаштириш, ихтисослашган хўжаликларни ривожлантириш;

– таъминот, хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш йўналишлари бўйича алоҳида ва уларни комплекс қамраб олувчи кооперативларни тузиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кабилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий йўналиши қуйидагиларни қамраб олиши зарур:

– маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунларни такомиллаштириб бориш;

– моддий-техника ресурслари ва хизмат кўрсатиш субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали хизматлар нархини пасайтириш тизимини такомиллаштиришни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг ижтимоий йўналиши қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини корхоналарда ноанъанавий хизмат турларини кенгайтириш орқали аҳоли бандлиги даражасини ошириш;

– соҳада ишловчиларни даромадларини ошириш йўналишида қўшимча тармоқларни ривожлантириш, илм-фан натижаларидан кенг қўламда фойдаланишни йўлга қўйиш;

– қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи ходимлар меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқиш кабилар.

Сўнгги йилларда планетамиздаги глобал иқлим ўзгариши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида экологик мувозанат бузилиши, сизот сувлар кўтарилиши, ерлар шўрланиш даражаси ортиши, тупроқ таркибида чиринди камайиши оқибатида унумдорлиги пасайиши, минерал ўғитларни хаддан ташқари кўп қўллаш оқибатида тупроқ ва сувнинг захарли кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши каби салбий оқибатлар кузатилмоқда.

Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг экологик йўналишдаги тадбирларини ишлаб чиқиш аҳамияти ортиб боради. Жумладан, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлар етиштириш, ресурслар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида корхоналар фаолиятини экологик назорат қилиш механизмларини жорий этиш тобора долзарблашмоқда.

## ХУЛОСА

1. Ҳисоб-китобларда агроресурслар таркибига қишлоқ хўжалигида ер, сув ресурслари, техника воситалари, ишлаб чиқариш бинолари, маҳсулдор ва ишчи чорва моллари, асосий ишлаб чиқариш фондлари, табиий-иқлим омиллари, нефть маҳсулотлари, минерал ва органик ўғитлар, айланма воситалар, кредит ва молиявий ресурслар киритилиши тавсия қилинган.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари мустақил бўлсада, улар ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Шу боис барча бозорлар ривожланган тақдирдагина аграр тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори даражада таъминлаш мумкин.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради: – ушбу бозорлар орқали инсонларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи таъминланади ва озиқ-овқат маҳсулотларига доимий ва барқарор талаб мавжуд бўлади; таклиф ҳажмининг ўзгариши йил давомида об-ҳавони ўзгаришига боғлиқ ва ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик хусусияти маҳсулотга бозор баҳосини ҳам ўзгаришига олиб келади; бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарувчи субъектлар сони кўплиги ва бозорда рақобат ортишига олиб келади; озиқ-овқат маҳсулотлари тез бузилиши, маҳсулотни сақлаш ва ташишда қийинчиликлар туғдиради, сақлаш муддатини чеклайди.

4. Аграр бозорни ривожлантиришни таъминлашдаги асосий мезон сифатида “Ўртача имкониятга эга бўлган аграр бозор субъектларининг маҳсулот бирлигини тайёрлаш ҳисобига сарф қиладиган ишлаб чиқариш харажатларини қоплай оладиган даражадаги ўртача баҳода маҳсулот сотишини таъминлаш” масаласи қабул қилиниши тавсия этилади. Мезон доирасида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим. Аграр бозор доирасида: асосий олди-сотди объекти ҳисобланадиган товарлар таклифи ҳажми ва унинг динамик ўзгариши ҳолати; товарларга шаклланган талаб ҳажми ва унинг динамик ўзгариши ҳолати; товарларнинг бозор баҳолари ва унинг мавсумий ўзгариши динамикаси; ўртача баҳолар индекслари ўзгариши. Ушбу кўрсаткичлар асосида аграр бозорнинг ривожлантириш тўғрисидаги хулосаларни қилиш мумкин.

5. Қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасида баҳо ўсиши нисбатлари бузилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника базаси ёмонлашувиға олиб келмоқда. Тармоқлараро баҳо ўсиши кўламиға баҳо бериш ва ушбу жараёнда қишлоқ хўжалиги тармоғи қанча миқдорда ўз фойдасини бой бераётганлигини аниқлаш юзасидан услуб тавсия қилинган.

6. Давлатнинг аграр бозорни ривожлантириш тизими қуйидаги муҳим ижтимоий - иқтисодий вазифаларни ҳал этиши лозим:

– аҳолини етарли миқдордаги, сифатли ва нисбатан арзон баҳолардаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари бозорларини ривожлантиришни рағбатлантириб бориш;

– қишлоқ хўжалиги кохоналарини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ресурслар ва хизматлар экспорти ҳамда импортини иқтисодий мувофиқлаштириш;

– аграр бозор фаолиятини самарали амалга оширишни таъминлашга хизмат қилувчи инфратузилма объектларини ҳудудий хусусиятлар асосида ривожлантиришни рағбатлантириш.

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришда аграр соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Жумладан: қисқа муддатли кредитни қайтариш камида экинларни парваришлаш, ҳосилни йиғиш билан боғлиқ давр мавжудлиги; мевали дарахтлар экилганидан кейин камида 3-4 йилда ҳосилга тўлиқ кириши ва чорва молларини маҳсулоти берадиган даврга кириши учун 1-2 йил (ёш насли моллар харид қилинганда) ёки 3-4 йил вақт талаб қилишини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёни учун бериладиган қисқа муддатли кредитлар камида 12 ойдан 3-5 йилга берилиши, узоқ муддатли кредитлар эса 7-10 йилгача бўлган муддатга;

– қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 6-8 йиллик ўрта муддатли кредитлашни жорий этиш;

– ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг мол-мулкини гаровга қўйган ҳолда узоқ муддатли кредитлаш механизминини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу кредитлар муддатлари эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун камида 5 йил, машина-ускуналар, техника сотиб олиш илғор технологияларни жорий қилиш, асосий воситаларни тиклашга камида 15 йил бўлган муддатлар белгиланиши лозим.

8. Хизмат кўрсатувчи корхоналарга 5 фоизлик ягона солиқ тизимини жорий қилишда табақалашган тизим жорий қилиш лозим. Бунда солиқ вилоятлар қишлоқ хўжалигининг табиий омиллар билан боғлиқ ҳолда шаклланувчи самарадорлик даражасига мос равишда солиқ ставкаси республика учун белгиланган ставкага нисбатан ўзгариши керак.

9. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ривожланиши билан боғлиқ ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий қонуниятлар кузатилиб, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– экспортёр давлатларда савдо инфратузилмаси ривожланиши халқаро савдо-сотиқ маданияти ривожланиши сабабли, мавсумий пишиб етиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари мавсумийлик ҳолатига кам миқдорда боғлиқлик сезмоқда;

– республикамиз ички бозорига кириб келаётган мевалар, сабзавот маҳсулотлари, цитрус меваларини истеъмолчига тақдим қилиш усуллари, қадоқлаш шакли, меваларни саралаш ва бозоргир кўриниш бериш усуллари, савдо маданияти ортишига олиб келмоқда;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тобора илм-фан ютуқлари, маркетинг тизимидан кенг фойдаланишга мойил бўлган ҳолда ривож топмоқда. Бу эса, ўз навбатида ортиқча “самара” кўринишида маҳсулотнинг фойдалилик ёки хўракибоплик хусусиятлари пасайишига олиб келмоқда;

– республикамиз ички бозорида импорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб, меванинг таъми, мазаси эмас, бу борада маҳсулотнинг ташқи кўриниши, дастурхонга безак бериши харидорни ўзига жалб қилади;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда, биринчидан, замонавий омборхоналар, хизмат кўрсатиш объектлари етишмаслиги, иккинчидан, анъанавий деҳқон бозорлари орқали маҳсулот сотиш қулайлиги, танлаш имкони кенглиги, узоқ йиллар давомида шаклланган одатлар замонавий маҳсулот сотиш тизимлари ривожланишини секинлаштиради.

10. Қишлоқ хўжалигида ресурс таъминотидаги муаммоларни оператив равишда маъмурий йўллар билан ҳал этиш сезиларли натижа берсада, соҳа иқтисодини соғломлаштиришнинг асл сабаби бартараф қилинмайди, ўзини-ўзи ҳаракатга келтирувчи бозор механизми самарали ишламаслиги туфайли маъмурий дастаклар билан “ташқаридан турки” бериб ҳаракатга келтиришга эҳтиёж кескин ортади. Бу эса макроиқтисодий кўламда ялпи сарф-харажатларнинг мутлақ миқдори ортиб кетишига олиб келади.

Соҳада ресурс таъминотини маъмурий ҳал этиш натижасида, фермер хўжаликларида лоқайдлик, муаммони кимдир келиб ҳал этиб бериши мумкинлигига ишонч пайдо бўлади. Бу ҳолат агроресурслар бозори ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ресурс ишлаб чиқарувчи субъектлар бозордаги реал талаб остида таклиф ассортименти ва сифатини ўзгартиришга йўналтирувчи “эркин бозор сигналидан” маҳрум бўлади.

11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштиришда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳо белгилаш услубиётини такомиллаштириш ва бунда баҳони маҳсулотга қилинган харажатларга қараб белгилаш амалиётини асос сифатида қабул қилишдан воз кечиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари баҳолари ўсиши суратлари ўртасидаги номутаносибликни таъминлашнинг амал қилувчи механизмларини жорий қилиш;

– ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон, балл-бонитети паст, суғориш шароити қийин ҳудудларда маҳсулот етиштирувчи фермерлар учун ресурслар билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш борасида имтиёзлар яратиш;

– табиий шароити оғир ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ресурслари билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш объектларига давлат томонидан молиявий кўмак бериш тадбирларини кенгайтириш;

– қишлоқ хўжалиги ва қайта ишланган маҳсулотлар сотиш ва дастлабки баҳо белгилаш тизимини такомиллаштириш кабилар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.10.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ИНЖИНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ЭКОНОМИКИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**АЛИЕВ ЯШНАРЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИХ ОСНОВ  
РАЗВИТИЯ РЫНКОВ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ,  
АГРОРЕСУРСОВ И АГРОСЕРВИСА**

**08.00.04 - Экономика сельского хозяйства**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

**Ташкент – 2018**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/Iqt12.**

Докторская диссертации выполнена в Научно-исследовательском институте экономики сельского хозяйства.

Автореферат диссертации размещен на веб-странице Научного совета ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по ссылке [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)).

**Научный консультант:** **Хушматов Норкул Садуллаевич**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Муртазаев Олим**  
доктор экономических наук, профессор

**Маматкулов Абдурашид Вахидович**  
доктор экономических наук, доцент

**Умаров Сухроб Рустамович**  
доктор экономических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Самаркандский институт экономики и сервиса**

Защита диссертации состоится “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.I.10.03 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Ташкентском государственном аграрном университете по присуждению ученых степеней. (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кори-Ниязи, дом 39. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный № \_\_\_\_\_) (Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кори-Ниязи, дом 39. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(Реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 года).

**У.П. Умурзаков**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**Б.Ф. Султанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н., старший научный сотрудник

**К.А. Чариев**

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Происходящие на мировом аграрном рынке события показывают, что динамика роста производства и экспорта сельскохозяйственной продукции наблюдается в странах, обладающих природно-климатическими преимуществами. Международные эксперты в своих исследованиях по вопросам обеспечения продовольственной безопасности констатируют возникновение сложных ситуаций в мире и некоторых ее регионах, связанных с данной проблемой. Как подчеркивают специалисты, "...в настоящее время с каждым днем усиливается конкурентная среда на мировых аграрных и продовольственных рынках. Особенно это наблюдается на рынках свежих и сушеных фруктов, овощей, консервированных и переработанных плодоовощных продуктов, растительного масла, муки и мучных изделий, чая, кофе, цитрусовых плодов, молочных и мясных продуктов. При этом большое влияние на спрос и объем продаж того или иного товара оказывает его внешний вид, цвет, величина, привлекательная упаковка, репутация предприятия – производителя, навыки и действия продавцов в продвижении своего товара, реклама и другие факторы"<sup>1</sup>.

Сегодня глобальное изменение климата в планетарном масштабе, неблагоприятные погодные условия, распространение опасных вредителей и другие природные факторы оказывают отрицательное воздействие на рост объема производства сельскохозяйственных продуктов. По оценкам ФАО, чтобы удовлетворить спрос растущего населения на продовольственные продукты, объем производства сельскохозяйственной продукции к 2050 году должен вырасти на 60%<sup>2</sup>. Это, в свою очередь, вызывает необходимость формирования производственных систем, способных адаптировать сельскохозяйственное производство к негативным последствиям глобальных климатических изменений при эффективном использовании имеющихся земельных, водных и других ресурсов.

В нашей стране осуществляется комплекс мер по развитию рынков сельскохозяйственной продукции, агроресурсов и агросервиса, способствующих развитию сельского хозяйства и обеспечению продовольственной безопасности. В увеличении производства сельскохозяйственной продукции отдельное внимание уделяется вопросам использования современных технологий, организации интенсивных садов, всесторонней поддержке многопрофильных фермерских хозяйств, налаживания производства экспортоориентированных продуктов. В этой связи, возникает необходимость разработки предложений и рекомендаций на основе набранного опыта, идей ученых и специалистов, широкого внедрения научных достижений. Исходя из этого, в направлении модернизации и

---

<sup>1</sup> Киселева Е.Н., Власова О.В., Коннова Е.Б. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие. [http://www.plam.ru/ucebник/rynok\\_prodovolstvennyh\\_tovarov/p2.php](http://www.plam.ru/ucebник/rynok_prodovolstvennyh_tovarov/p2.php).

<sup>2</sup> <http://www.fao.org/zhc/detail-events/ru/c/413837/>.

интенсивного развития сельского хозяйства Стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах одной из приоритетных задач определено “углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора”<sup>3</sup>. Это, с свою очередь, обуславливает разработку и реализацию абсолютно новых подходов и принципов в системе развития рынков сельскохозяйственной продукции, агресурсов и агросервиса.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, отмеченных в Законе Республики Узбекистан “О государственных закупках” (2018), Указах Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. N УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 09.10.2017 г. N УП-5199 “О мерах по коренному совершенствованию системы защиты прав и законных интересов фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель, эффективного использования посевных площадей сельского хозяйства”, Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2015 года N ПП-2460 “О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016 - 2020 годы”, от 10.05.2018 г. N ПП-3712 “О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов своевременного оснащения сельского хозяйства сельскохозяйственной техникой”, от 29.05.2018 г. N ПП-3751 “О дополнительных мерах по повышению эффективности оказания механизированных и сервисных услуг сельскохозяйственным товаропроизводителям”, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

**Соответствие исследовательской работы приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий «I. Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.**

В настоящее время в мировом сельском хозяйстве исследованиями в области решения проблем производства и реализации продукции, внедрения договорных отношений в системе реализации ресурсов, развития здоровой экономической конкуренции между производителями продукции занимаются ведущие высшие учебные заведения и научные центры, в числе которых Университет Вагенинген (Нидерланды), Университет Висконсин-Мэдисон

---

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. N УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан". [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



(США), Университет Корнелл Пресс (США), Агропарижтек (Франция), Шведский университет сельскохозяйственных наук (Швеция), Австралийский национальный университет (Австралия), Университет Квинсленда (Австралия), Университет британской Колумбии (Канада), Университет Токио (Япония), Китайский сельскохозяйственный университет (Китай), Университет г. Хоэнхайм (Германия), организация по регулированию внешней торговли - Соединенные Штаты, Международный институт управления водными ресурсами (ИВМИ), Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций (ФАО), КГМСИ, Глобальный форум по сельскохозяйственным исследованиям (ГФАР), Международный центр сельского хозяйства (Нидерланды) и др.

Получен ряд научных результатов по эффективному развитию рынков сельскохозяйственной продукции, агроресурсов и агросервиса, в том числе: освещены методы управления инновационной деятельностью и использования инновационных технологий на аграрном рынке (Университет Калифорнии, США), разработаны меры эффективного использования сельскохозяйственными предприятиями агротехнологий на рынке ресурсов (Университет Тафтса, США), освещены пути эффективного управления обеспечения рынков сельскохозяйственной продукции и агроресурсов (Бостонский университет, США), указаны пути стимулирования системы продаж продукции фермерского хозяйства на аграрных рынках (Университет Аделаиды, Австралия), изучены процессы упрощения механизмов налогообложения субъектов, оказывающих агроуслуги сельскому хозяйству (Университет Аделаиды, Австралия), разработаны направления государственной поддержки и предоставления субсидий предприятиям, производящим сельскохозяйственную продукцию (Оксфорд Юниверсити Пресс, Великобритания), освещены экономические категории в аграрном секторе, рынки сельскохозяйственных продуктов, материально-технические ресурсы и механизмы их оценки (Российский государственный аграрный университет, Россия), изучены механизмы экономических связей и защиты интересов участников экономической деятельности, формирующихся в процессе производства, переработки и реализации сельскохозяйственной продукции (Белорусская государственная сельскохозяйственная академия, Беларусь).

По вопросам развития рынков сельскохозяйственной продукции, агроресурсов и агросервиса в мировом масштабе ведутся исследования в следующих направлениях: разработка структуры и классификации аграрных рынков; эффективное использование имеющихся ресурсов в аграрном секторе на основе ресурсосберегающих технологий; совершенствование рынка нетрадиционных агроуслуг в сельском хозяйстве; увеличение экономических доходов сельскохозяйственных производителей посредством обеспечения развития рынков сельскохозяйственной продукции,

агроресурсов и агроуслуг, входящих в состав аграрного рынка, за счет различных инновационных факторов.

**Степень изученности проблемы.** Вопросы развития деятельности рынков сельскохозяйственной продукции, агроресурсов и агросервиса в аграрном секторе исследованы в научных работах многих зарубежных ученых-экономистов, в том числе, К.Андерсона, Л. Гилберта, И. Рамкишена, Ф.Котлера, К. Макконнелла и С.Брю, Н.Коваленко, А. Орлова, В. Яковца, И. Добрынина, И. Макарец, Ф. Шакировой<sup>4</sup> и других.

В число ученых-экономистов нашей страны, внесших существенный вклад в вопросы развития аграрного сектора, эффективного использования возможностей в сфере сельского хозяйства, можно отнести Р.Хусанова, Ф.Каюмова, К.Чориева, А. Жураева, У.Умурзакова, Н. Хушматова, Р. Абдуллаева, А. Кодирова, Ч. Муродова, Е. Юсупова, У. Нигматжанова, И. Ражабова, Т. Фармонова, Ф. Назарову, Э. Трушина, С. Джалалова, А. Абдуганиева, К.Мирзаева, И. Рафикова<sup>5</sup> и других.

Вместе с тем, научные работы вышеупомянутых авторов, выполненные в первые годы независимости страны и в рамках приоритетных задач

---

